Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 6-may, seshanba № 56 (3405)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 май куни Оқсаройда Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Таро Асони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон уни нафақат нуфузли сиёсат ва давлат арбоби, айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва стратегик шериклик ўрнатишга катта ҳисса қўшган ишончли дўст деб билишини таъкидлади. Президентимиз Таро Асони ушбу ташриф давомида унга Ўзбекистон Банк-молия академиясининг Фахрий доктори унвони берилгани билан табриклади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил феврал ойидаги Японияга расмий ташрифи Ўзбекистон-Япония муносабатларига янги суръат бағишлади, сиёсий мулоқотни фаоллаштириб, стратегик ҳамкорликни янги мазмун билан бойитди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. 2013 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 215,2 миллион АҚШ долларидан ошган. Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган молия воситаларининг умумий ҳажми 2,32 миллиард долларни ташкил этади.

Япониялик ҳамкорлар «Кўкдумалоқ» конида компрессор станциясини ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш, Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини модернизациялаш каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

Бугунги кунда Қарши — Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш, Навоийдаги иссиқлик электр станциясини кенгайтириш ва Толлимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда энергетика, кон саноати, нефт-газ, кимё, электротехника, автомобилсозлик ва телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Таро Асо самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Япония ҳукумати Ўзбекистон билан кенг қўламли иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Навоий шаҳрида Хитойнинг «SSK textile machinary» халқаро савдо компанияси ҳамда мамлакатимизнинг қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, электроника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ишбилармонлар ўртасида кооперация алоқалари янада мустаҳкамланаётгани муҳим омил бўлаётир.

— Корхонамиз махсус иш кийимлари, тўшак ва қоплامалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди Тошкент шаҳридаги «Дина текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Воҳид Эргашев. — Бугунги кунда буюртма асосида 20 турга яқин маҳсулот тайёрламоқдамиз. Биржада кўплаб ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида келишиб олдик.

Тадбирда «SSK textile machinary» халқаро савдо компанияси томонидан тақдим этилган пайпоқ, қўлқоп ишлаб чиқариш ва тикув дастгоҳлари тадбиркорларга манзур бўлди. Вилоят тадбиркорлари компания билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришди.

Биржа доирасида ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Ишлаб чиқарувчилар ўртасида қарийб 1 миллиард 200 миллион сўмлик ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: кооперация биржасида.

ЎзА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган суратлар

Давра суҳбати

Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий корхона ва миллий ҳунармандчиликнинг роли беқиёс. Юртимизда «устоз-шогирд» тизимининг жорий этилгани туфайли минглаб ёшлар касб-ҳунар сирларини қунт билан эгаллашмоқда. Хўш, соҳа ривожи учун яна қандай шароит, имтиёз ва ҳуқуқий база яратилиши лозим?

Истиқболли соҳа

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Республика «Ҳунарманд» уюшмаси қўшма қарорига мувофиқ юртимизнинг барча вилоятларида «Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий корхоналар ва миллий ҳунармандчиликнинг роли» мавзусида давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган давра суҳбатида соҳа ривожига мутасадди бўлган ташкилот ва муассасалар вакиллари, хусусий ва оилавий корхоналар вакиллари, ҳунармандлар, касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Тадбирни Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раис ўринбосари Ш.Жавлонов очиб, оилавий корхона ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда касаба уюшмалари олдида турган вазифалари ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар борасида алоҳида тўхталди. Шундан сўнг Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, «Ҳунарманд» уюшмаси, вилоят аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази ҳудудий бошқармаси, банк ва солиқ идоралари, оилавий корхоналар вакиллари, ҳунармандлар аҳолини иш билан таъминлашда қандай жиҳатларга эътибор қаратиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

— Давра суҳбати вилоятимизда фаолият юритаётган кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик соҳалари вакиллари учун жуда фойдали бўлди, — дейди тармоқ Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси О.Жалилов. — 70 дан зиёд оилавий тадбиркор ва ҳунармандлар тадбирда бажонидил иштирок этиб, ўзларини қийнаётган долзарб муаммолар, соҳа ривожи учун қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар ва керакли ҳуқуқий ёрдам хусусида тўхталиб ўтдилар.

Йиғилиш якунида иштирокчилар саволларига мутасадди идоралар вакиллари муфассал жавоб бердилар.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти, туман, шаҳар кенгашлари томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси» танлови юқори савияда уюштирилмоқда.

ЮҚОРИ САВИЯДА

Гулистон шаҳридаги 2-педагогика коллежида танловнинг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда 2-педагогика коллежи ўқитувчиси Шаҳло Ҳасанова 1-, 2-академик лицей ўқитувчиси Шаҳноза Машарипова 2-, шаҳар мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Зоҳид Шерматов 3-ўринни эгалладилар.

Ғолиблар Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

ЖИЗЗАХ

Жиззахда «Ўзбекистон миллий кино санъати кунлари» фестивали бўлиб ўтди. «Хонадон эгаси», «Қудуқ» бадиий филмлари кенг намойиш қилиниб, уларнинг ижодкорлари билан учрашувлар ўтказилди.

КИНО ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон халқ артистлари — Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Лола Элтоева, Фатхулла Маъсудов, Раъно Шодиева, ёш актёрлар — Алишер Узоқов, Шаҳноза Матжоноваларнинг томошабинлар билан кечган ижодий мулоқотлари ғоятда қизғин кечди.

«Қудуқ» филмининг Ғаллаоролда суратга олингани, айниқса, жиззахликларни ҳиссаяжонга тўлдирди.

Уч кунлик кино фестивали доирасида ижодкорлар воҳанинг Арнасой, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Зомин, Жиззах, Зафаробод, Зарбдор, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманларида бўлишиб, кино санъати ихлосмандлари билан қизғин суҳбатлар қуришди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган «Уч авлод учрашуви» маданий-маърифий тадбири бўлиб ўтди.

Уч авлод учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хафсизлик масалалари қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, «Ватанпарвар» ташкилоти ходимлари, Тошкент бирлашган техник мактаби курсантлари иштирок этди.

«Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раисининг ўринбосари М.Умаров Президентимиз раҳнамолигида ўтганларни хотирлаш, кекса авлод вакилларига алоҳида эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш, юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатини муносиб баҳолашга катта эътибор берилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин исботидир.

Нуроний отахон ва онахонларнинг бой ҳаётий тажрибаси, қимматли ўгитлари ёш авлоднинг Ватанга садоқат, буюк келажакка ишонч руҳида камол топишида муҳим аҳамият касб этаётир. Учрашувда уруш ва меҳнат фахрийлари ўзларининг навқирон йигитлик йилларига тўғри келган Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврларда бошидан кечирган қийинчиликлар ҳақида сўзлаб берди. Мустақиллик, тинчлик-осойишталик халқимизнинг бебаҳо бойлиги экани, унинг қадрига етиш ва асраб-авайлаш зарурлигини таъкидлаб, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритди.

«Ватанпарвар» ташкилоти ёшларни армия сафларида хизмат қилишга жисмоний, техник ва руҳий тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда, ёшларнинг маънавий камолотга етиши, уларда ирода ва қатъиятни шакллантириш, жанговар ва маънавий руҳни мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқда. «Уч авлод учрашуви» каби маданий-маърифий тадбирлар айнан шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Санъаткорлар — бунёдкорлар ҳузурида

Қорақалпоғистон ҳозирда саноати ривожланаётган ўлкага айланаётир. Биргина Сурғил кони негизида барпо этилаётган Устюрт газ-кимё комплекси мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Президентимиз Ислом Каримов яқинда ушбу мажмуада бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Оғир табиий иқлим шароитида самарали ишларни амалга ошираётган маҳаллий ва хорижий мутахассисларга маданий ҳордиқ чиқаришлари учун мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш борасида ўзининг таклифларини берди.

Устюрт таронаси

Бугун Устюрт кенгликлари ҳақиқий қурилиш майдонига айланиб бормоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда қуриб битказилган катта заводлардан бири Қўнғирот сода заводи ҳаққоний тарзда «Саҳродаги мўъжиза» номини олган эди. Мана, орадан кўп ўтмай Устюрт газ-кимё комплексида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Умумий қиймати салкам 4 миллиард АҚШ долларига баҳоланаётган мажмуага «Аср иншооти» дея бежизга таъриф берилмаган. Бир юз қирқ гектар майдонни ўз ичига қамраб оладиган комплексда олти ярим мингга яқин қурувчилар меҳнат қилишмоқда.

Куни кеча «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Баҳодир Аҳмедов бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар мажмуада меҳнат қилаётганлар ҳузурида бўлиб, катта концерт дастури намойиш этишди. Ўзбек, қорақалпоқ ва корейс тилларида ижро этилган ашулалар бепоён Устюрт паст-текисликлари узра баралла янгради.

Ўзбекистон халқ артистлари Озодбек Назарбеков, Гулхатиша Айимбетова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махсет Утемуратовларнинг чиқишлари барчага завқ улашди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зоя Цой ижросидаги корейс халқ қўшиғи барчага манзур бўлди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Истиқлол ғунчалари

«Соғлом бола йили» дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши томонидан «Ёшлар» маданият ва аҳоли дам олиш марказида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда шаҳардаги 6 та маданият ва аҳоли дам олиш марказида фаолият юритаётган болалар бадиий жамоалари ва якка ижрочилар иштирок этишди. Қатнашчилар анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка чолғу ижрочилиги, ансамбл чолғу ижрочилиги, якка рақс ижрочилиги, жамоа рақс ижрочилиги йўналишларида ўз иқтидорларини намойиш этишди. Уларнинг ижрочилик маҳорати, куй-қўшиқларнинг мазмуни, саҳнадаги ҳаракати, кийимлари эътиборга олиниб, ғолиблар аниқланди.

Иқтидорлар намойиши

Байрамона руҳда ўтган кўрик-танлов натижаларига кўра, Алишер Навоий номли маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги «Ангрен юлдузлари» рақс жамоасининг ҳиндча рақси, шу марказнинг «Карапузы» рақс жамоаси аъзоси 42-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Елизар Рубцовнинг якка рақс йўналишида ижро этган «Ковбой» рақси ҳамда «Тарона» қўшиқчи ва созандалар уюшмаси аъзоси, 8-мактаб ўқувчиси Шохруҳ Хусановнинг якка чолғу ижрочилиги, 26-мактаб ўқувчиси Шаҳзод Абдиқуловнинг анъанавий ижрочиликдаги «Ёввойи тановар» қўшиғи, эстрада йўналиши бўйича 26-мактаб ўқувчиси Улуғбек Жалоловнинг «Гул диёрим» қўшиғи ҳамда Дукент маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги «Болажон» гуруҳининг «Шамолга ўртоқман» қўшиқлари 1-ўринга муносиб деб топилди. Иқтидорли санъатсеварлар кўрик-танловнинг кейинги босқичларида қатнашиш имконига эга бўлдилар. Бир сўз билан айтганда, санъатга ихлосманд болалар саҳнада ўз иқтидорини намойиш қилибгина қолмай, бир-бирлари билан танишиб ҳам олишди.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА

Фахрийлар — фахримиз

Меҳр тафти абадий

Инсон қадри улуғланган диёрда яшаётирмиз. Фарзандлар камоли, юртимиз осудалиги, равнақи кўнглимизга хотиржамлик бағишлайди. Бундай толе биз кексаларнинг ёшимизга ёш қўшмоқда.

Эндигина ўн олтини тўлдириб ўн етти ёшга етганда ўттиз чоғли тенгдошларим билан ҳарбийга жўнаганман. Ҳали бола эдик. Уруш даҳшатларини тўла ҳис қилиб улгурмагандик. Ҳеч бир тайёргарликсиз тўғридан-тўғри жанг майдонига бориб тушдик. Ўт-олов биз сингари тажрибасиз ёшларни, айниқса, қаттиқроқ комига тортаркан. Ана мана дегунча бир қатор сафдошларимиздан ажралдик.

Уруш халқимиз бошига озмунча кулфатлар солмади. 450 мингдан ортиқ юртдошларимиз мана шу машъум фожиа қурбонига айланди.

Шукрким, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан биз, кексаларга эъзоз кўрсатилмоқда. Бу йил ҳудудда яшовчи уруш фахрийларининг кўҳна шаҳар қадамжолари, тарихий масканлари ва обод гўшаларига саёҳати уюштирилди. Ҳудуддаги бир қатор замонавий корхоналар билан танишиш имкониятига эга бўлдик. Бир кунда қарийб 25 та замонавий автотранспорт ишлаб чиқараётган Самарқанд автомобил заводи фаолияти билан яқиндан танишдик.

Ҳа, ҳеч бир давлатда кексалар биздагичалик эҳтиром оғушида бўлмаса керак. Президентимизнинг беқиёс ғамхўрлигини ҳар бир нуроний яққол ҳис этиб турибди. Вилоятимизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан иззат-икром кўрсатилмоқда.

Кези келганда, қайд этишим жоизки, иш фаолиятим жамоат ташкилоти — касаба уюшмалари билан мунтазам боғланиб келган. Айни чоғда ҳам касаба уюшмалари меҳри тафтини ҳис этиб турибман. Севимли бу ташкилотимиз томонидан бу йил ҳам моддий ҳамда маънавий кўмак олдик. Вилоятимизда яшаётган уруш қатнашчилари ва ногиронларига 250 минг сўмдан моддий рағбат кўрсатилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли сиҳатгоҳларда дам олиш имконияти яратиб берилган.

Юртимиз истиқлоли боис қадриятларимиз тикланди. Диёримиздаги улкан бунёдкорлик турмушимизга файз олиб кираяпти. Ёш авлод тарбияси, уларнинг келажаги учун қилинаётган ишларни тил билан таърифлашга ожизмиз. Рўзғор бут, юрт тинч, ўғил-қиз саломат, шодумон. Қаёққа узатсак, қўлимиз етади. Инсонга бундан ортиқ яна нима керак? Шукур деймиз, беадад шукур деймиз.

Зайниддин ХОЛДОРОВ,
Қўшработ тумани «Қоратош» маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

Хурматли юртдошлар!
Муҳтарам пойтахтимиз меҳмонлари!

2014 йилнинг 22-23 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида **«Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор»** шиори остида Республика китоб байрами ўтказилади.

Тадбирда адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдимотлари, таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, санъат усталари ва ёш ижодкорларнинг концерти ташкил этилади.

Республика китоб байрамига марҳамат қилинг!

Байрам тадбирларига кириш эркин.

Маълумот учун телефон: (8 371) 244-12-61

Ishonch
2014-yil 6-may № 56 (3405)

РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Жиззах шаҳрининг «Зилол» маҳалласида ўтган йили фаолиятини бошлаган «Пластекс» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирда ушбу корхона босқичма-босқич ишга туширилмоқда.

Биринчи босқичда пахта хомашёсидан йилига 8,5 минг тонна калава ип тайёрлаш, тўрт минг тонна мато ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Айни вақтда бир йилда тўрт минг тонна трикотаж матони бўяш ва олти миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш технологияларини ўрнатиш чоралари олиб борилаётир. Корхона маҳсулотлари Хитой, Испания, Италия, Полша каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ҳозир бу ерда 800 нафардан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, иш ўринлари сони 1 минг 750 тага етади.

Суратларда: ишчилар — Ҳулкарой Йўлдошова ва Шаҳноза Мамарасулова.

ЎзА фотомухбири Шерзод НАЗАРОВ олган суратлар

Бандлик

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мажлислар залида Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси ва Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг қўшма қарорига асосан «Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий корхоналар ва миллий ҳунармандчиликнинг роли» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик уфқлари

Унда воҳа тадбиркор ва ҳунармандлари, коллеж битирувчилари, оилавий корхона раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбирни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов очиб, жорий йил 1-чорагида жамоа шартнома ва келишувлари ижроси ҳамда галдаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яратиш ва уни изчил такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Маърузада тадбиркорлик фаолияти, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигини ривожлантириш учун янада кенг эркинликлар бериш ва лицензиялаш тартибини, статистик, солиққа оид ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш механизмини изчил такомиллаштириш, турли расмиятчиликларни бартараф этиш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шундан сўнг Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т.Боболов, «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Ҳ.Мўминов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси вакили Б.Умаров сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикрларини билдирдилар. Бундан ташқари, Марказий банкнинг вилоят бўлими вакили М.Ҳамзаева, вилоят солиқ бошқармаси вакили Т.Мўминов оилавий корхоналар ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда банк кредитларининг тутган ўрни ҳамда солиқ қонунчилигидаги имтиёз ва афзалликлар ҳақида тўхталишди.

Давра суҳбатида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси З.Худойбердиев иштирок этди.

Р.ДАВЛАТОВ

Танлов

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан Ўзбекистон металлургия ва

ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИС



машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниялари билан ҳамкорликда тармоқ тизимида «Энг фаол ёш машинасоз», «Энг фаол ёш металлург» йўналишлари бўйича «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика танловини ташкил этди.

Танловнинг қуйи босқичи юқори савияда ўтди. Айниқса, «Ўзметкомбинат», «Ўзкабел», «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати» ОАЖ, «GM-UZBEKISTAN» ЁАЖ, «Самавто», «ЎзДонгВон», «ЎзКорам», «ЎзТонгХонг» ҚКда уюштирилган тадбирларда ёшлар фаоллик кўрсатишди. Энди навбат танловнинг республика босқичига.

Акмал УМАРАЛИЕВ, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Ёшлар кенгаши раиси

Фаоллар ҳақида ҳикоялар

Хуррам Зулфиқоров кишилар дардига малҳам улашишни ҳаёт мазмунига айлантирган.
1974 йилда ТошМИ (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) даволаш факультетини тугатгач, у фаолиятини Деҳқонобод тумани марказий шифохонасида бошлаган ёш шифокор ўткир зеҳни, ўзига бўлган талабчанлиги боис тез орада қўли енгил жарроҳга айланди.
«Раҳмат сизга, дўхтир, жонимни азобдан халос этдингиз. Илоё, умрингиздан барака топинг!» деган алқовлардан руҳланди. У уйига мамнун қиёфада қайтаётган беморларни кўриб, кўнгли таскин топди.

Халоскор, мададкор...

Элдан дуо олиб, кун сайин тажрибаси ошаётган Зулфиқоровга нафақат даво топганлар, жамоадошлари ҳам муносиб баҳо беришди. 1984 йилда бир овоздан шифохона касаба уюшма қўмитаси раислигига сайлашди.

У ўттиз йил мобайнида қанчадан-қанча тадбирларга бош-қош бўлди. Маъмурият билан ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг яхшиёмон кунида елкадош бўлди, ҳеч бир мурожаатни беэътибор қолдирмади.

— Жорий йилда 45 нафар ходимга моддий ёрдам берилди, шундан 35 нафари хотин-қизлар, — дейди Хуррам ака. — Наврўз байрами арафасида ходимлар ўртасида анъанавий спорт мусобақалари уюштирилди. Баҳсларда турли даволаш-профилактика муассасаларидан 100 нафарга яқин ходим иштирок этди. Меҳнаткашлар ўртасида ўтган «Касаба-тур» веломарафонида эса 5 нафар ҳаваскор спортчимиз ўз омадини синаб кўрди.

Яқинда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танлови ғолибларини сараладик. Унга кўра, кардиолог-врач Улуғбек Саъдуллаев «Энг фаол ёш шифокор» номинациясида ғолиб чиқди. Врач-терапевт Моҳира Содиқова иккинчи, травматолог Жаббор Махсумов учинчи ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, «Ҳамшира — 2014» кўрик-танловининг туман босқичи ҳам якунланиб, «Болалар бўлими» ҳамшираси Моҳира Маҳмадалиева биринчи, «Диагностика бўлими» вакиласи Муҳайё Раҳматова иккинчи, «Шошилинч тез ёрдам» бўлими ходимаси Гулҳаё Дониёрова учинчи ўринларни эгаллашди.

Тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитасининг намунали фаолият юритиши, аввало, етакчининг ҳар ишда ўрнак кўрсатиши, қолаверса, қўмита аъзоларининг аҳиллигига боғлиқ. Масалан, спортсоғломлаштириш ишларига врач-лаборант Исоқ Мамадалиев масъул бўлса, маданий-маърифий тадбирларга жарроҳ Бахтиёр Менглимуродов бош-қош. Хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси бўйича Гуландом Ёқубова, котиблик ишларига эса Ҳалим Худойназаров жавоб беради.

Хуррам аканинг шогирдлари бир талай. Бахтиёр Менглимуродов, Шавкат Амиров, Нормурод Умаров, Қурбон Қўчқоров, Толиб Панжиев кабилар то ҳануз Хуррам акадан маслаҳат олиб туришади. Шунингдек, цехлардаги касаба уюшма қўмиталари етакчилари Қулмуҳаммад Ўтаев, Искандар Оқбўтаев ва бошқалар устоз йўлидан бориб, ходимларнинг дардкаши, таъбир жоиз бўлса, энг яқин ҳаммаслагига айланишган.

— Соғлом бола йилида режаларимиз кўп, — дейди Хуррам ака. — Ўтган йили 57 нафар ўғил-қизни соғломлаштирган бўлсак, жорий мавсумда 70 нафар болани ёзги оромгоҳда дам олдиришни режалаштиряпмиз. Спортнинг оммавийлигини янада ошириш, тез-тез мусобақалар уюштириб, фаол қатнашганларни рағбатлантиришга ҳам эътибор қаратамиз.

Зулфиқоровнинг саъй-ҳаракати эвазига тиббиёт бирлашмасида спорт анжомлари ва либослари захираси билан тайёрлаб қўйилган. Ўтган йили тўлиқ капитал таъмирланган тиббиёт бирлашмаси мажмуасида беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилгани бошқалар қатори касабақўм етакчисини ҳам қувонтирди.

— Замонавий текширув жиҳозлари ёрдамида беморга тез ва тўғри ташхис қўйиш имконияти ошди, — дейди у. — Маъмурият томонидан касаба уюшма қўмитасига хона ажратилди. Қолаверса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар, бошланғичларга бўлган эътибор ортида ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсади тургани биз етакчиларни янада фаол ишлашга ундайди. Чунки жамоа ишончини оқлаш, оғирини енгил қилиш — бемор дардига шифо улашишдек мароқли ва ҳузурбахш...

Кўринадики, қаҳрамонимиз ўз оти билан кишиларга хурмлик улашиб яшамоқда. Эътиборлиси, катта қизи Наргизахон ва куёви Азимжон шифокорлик касбини танлаб, эл сиҳати йўлидаги машаққату заҳматга харидор бўлганлардан. Бу ҳам унинг қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

Соғлом турмуш тарзига мос

Хўжаобод туманидаги 21-умумтаълим мактабида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир.
Эътироф этиш жоизки, мактаб маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг умумий йиғилишида сайланган жамоатчи вакил Нигорахон Миркомилова зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Жамоа шартномаси, маъмурият билан касаба уюшмаси ўртасидаги Битим ва меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган Низом бу борада муҳим аҳамият касб этяпти.

— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2011 йил 27 майдаги кўрсатмаси асосида тегишли ишларни амалга оширяпмиз, — дейди Н.Миркомилова. — Мактаб меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси аъзолари томонидан хавфсизликка оид қоида ва меъёрларга риоя қилиш бўйича назорат олиб борилмоқда.

Йилда бир марта педагог-ходимлар дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан бепул ўтказилаётир. Иш ўринлари санитария-гигиена талабига жавоб беради. Ҳар шанба мактабда «Соғлом турмуш тарзи» мавзуида тиббиёт ходимлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда учрашув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Меҳнат муҳофазаси бўйича хизматда фойдаланиш учун маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси келишган ҳолда ишлаб чиққан 15 та йўриқнома ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали йўлга қўйишда муҳим асос ҳисобланади. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ўз самарасини бераётир.

— Мактабда 2012-2014 йиллар учун тузилган жамоа шартномасида 15 банддан иборат «Меҳнат муҳофазаси» бўлими бўлиб, унга мувофиқ жорий йилда сантехник ва фаррошлар маъмурият томонидан махсус кийим-бош билан бепул таъминланди, — дейди мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳ.Қорабоева. — Мактабда педагог-ходимлар учун кийиниш, ювиниш, дам олиш ва овқатланиш хоналари ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш» ва «Репродуктив саломатлик» бурчаклари ташкил этилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар эвазига ўқув даргоҳида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари қайд қилинмади.



Мактаб касаба уюшма қўмитаси меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини намунали ташкил этиш бўйича вилоят кўрик-танловининг 2012-2013 йил якунларига кўра «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» йўналиши бўйича иккинчи ўринни қўлга киритди.

— Ушбу муваффақият жамоамизни руҳлантирди, — дейди касабақўм раиси. — Эндиликда меҳнат муҳофазаси чораларини янада кучайтирамиз. Бунинг учун имкониятлар етарли. Келажагимиз эгаларининг яхши шароитда илм эгаллашини кафолатлаш, уларга яқин кўмакдош бўлиш бош мақсадимиздир.

Х.МАТИСАЕВ

Изланувчан, қизиқувчан...

Феруза Урганч давлат университетида таҳсил олади. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан уюштирилган «Катта ҳаётга — касаба уюшмалари билан» акциясида иштирок этиб, касаба уюшмаларининг жамиятда тутган мавқеи, инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлди.

Келажакни кўзлаб...

— Касаба уюшмалари талабалар учун ҳам суянч ва таянч, — дейди Феруза. — Олий ўқув юртида таълим олишимиз, илм ўрганишимиз учун яратилган имконият, ётоқхонадаги замонавий шарт-шароит, талабаларнинг рағбатлантириб борилишида ушбу ташкилотнинг муносиб ҳиссаси бор.

Университет талабалари Феруза каби бу тузимадан миннатдор. Бунга эса даргоҳда аъзолик афзалликларини асослаш борасида кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар сабаб.

Хоразм вилоят таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тасарруфида 1 та олий ўқув юрти, 42 та академик лицей ва коллежда 48105 нафар талаба ва ўқувчи таҳсил олмоқда. Улар ижтимоий ҳимоя имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Шунингдек, тармоқда ишловчиларнинг қарийб 10 мингга яқинини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади.

— Келажак эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифаларимиздан, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова. — Бу борада касаба уюшмалари давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ёшлар сиёсатини тизимли амалга ошириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ билан қўшма чора-тадбирлар Дастури қабул қилинган. Шунингдек, тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида ёшлар манфаатига оид масалалар алоҳида банд сифатида киритилган.

Шаҳар, туман кенгашлари қошида Ёшлар кенгаши ташкил қилинган бўлиб, талаб даражасида фаолият кўрсатаётир. Кенгаш етакчилигига фаол ва интилувчан ёшлар сайланганлиги муваффақият гарови бўлаётир.

Жойларда касаба уюшмалари коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш учун корхоналарга бириктириш, улар учун яратилган иш ўринлари барқарорлигини таъминлашда фаол иштирок этиш билан бирга, олий таълим муассасаларини тамомлаётган ёшларга амалиёт ўташ даврида ҳақ тўланиши, корхона ва ташкилотларда устозликка бириктирилган ходимларни рағбатлантириш тизими ҳам жамоа шартномаларида ўз аксини топган.

— Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялаш, уларга хавфсиз ва қулай иш шароити яратиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш каби имтиёз ва кафолатлар киритилишига эришилди, — дейди М.Раҳимова.

Ўтган йили янги иш ўринларини яратиш дастури, бандликни таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ янги иш ўринлари яратилиши, улар ишончлилиги, меҳнат муҳофазаси қоида ва нормаларига мувофиқ хавфсиз меҳнат шароити таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб борувчи ишчи гуруҳлар таркибига касаба уюшма кенгашлари қошидаги Ёшлар кенгаши вакиллари киритилишига муваффақ бўлинди. Тармоқ касаба уюшма фаолларидан иборат жамоатчилик назорати орқали 77 ташкилот, муассаса ва хўжаликда уч томонлама шартнома орқали касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг иш билан таъминланиши ҳаққонийлиги ўрганилди.

Фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этиши талаб қилинади. Шу билан бирга, глобаллашув шароитида ёшларни ёт ғоялардан асраш, уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Шу боис ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳаракати тўғри мақсадга йўналтирилиши учун ҳуқуқий ёрдам бериш, ёшларнинг меҳнатига оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олий, ўрта махсус ва умумтаълим муассасаларида «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» ,«Ёш оила қурувчилар мактаби», «Очиқ мулоқот», «Ёшлар сиёсати деганда сиз нимани тушунасиз?» каби мавзуларда учрашув, давра суҳбати, танловлар ташкил қилинмоқда.

Ёшлар ўртасида маданий тадбирларни ташкил этиш, оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш, соғломлаштириш масалаларида ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ҳамкорлик ўрнатилган.

Жумладан, жойларда халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари билан «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва рағбатлантириш борасида, шунингдек, Урганч давлат университети билан «Универсиада» мусобақасининг бошланғич босқичларини ўтказишда ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўтган йили ёз мавсумида тармоқда 1900 нафар ўқувчи соғломлаштирилди. Мавсумда оромгоҳлараро маданий-маърифий ва спорт мусобақалари кўтаринки руҳда ўтказилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйгани, айниқса, бу борада ёшларга берилаётган имкониятлар туфайли ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги кичик бизнес вакилларининг улуши ортиб бораётганига гувоҳмиз. Бу эса, ёш тадбиркорлар фаолиятида меҳнат муносабатларига тўғри риоя этилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатиш борасида касаба уюшмаларидан муайян ишларни амалга оширишни тақозо этади. Тармоқ тасарруфидаги 37 та коллежда битирувчилар билан банк-молия институтлари, меҳнат биржалари вакиллари иштирокида олиб борилган тушунтириш ишлари бесамар кетмади. Аксарият коллежларда ёш тадбиркорлар бурчаги ташкил қилинди. Натижада, ўтган йилда 220 нафар битирувчи 1 млрд. 60 млн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари олиб, мустақил фаолият бошлади. Шунингдек, жойларда ўтказилган 55 та меҳнат ярмаркасида квоталанган ва янги ташкил этилган иш ўринларига 150 нафар битирувчи ишга жойлаштирилди.

— Ёшлар билан ишлаш изланишни талаб қилади, — дейди М.Раҳимова. — Ёшлар кенгашлари Соғлом бола йилида амалга ошириладиган ишлар режасига мувофиқ қатор тадбирларни уюштириб келмоқда. Тез кунларда касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун амалиёт жараёни бошланади. Унинг самарадорлигини таъминлаш юзасидан касаба уюшмаларининг ўз режалари бор.

Дарҳақиқат, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан саналади. Тармоқ ходимлари вилоят касаба уюшмалари бу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштириш йўлидан боради.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Фаровонлик ижодкорлари

«Жамшид Фаршид замини» фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Раззоқов қиммат-баҳо совға кўтарганча эшикдан хушкайфиятда кириб келди. Унинг хурсандчилиги отаси Искандар ака, онаси Гулшод опа ҳамда турмуш ўртоғи Ферузахонларга ҳам юқди. Қувонч боиси Жамшид Ромитанда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика танловининг туман босқичида «Энг фаол ёш фермер» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллаган эди. Танлов қизғин ўтди. Ҳайъат аъзолари томонидан 30 ёшгача бўлган 18 нафар фермер кўрсаткичлари ва маълумотлари синчиклаб ўрганилди.

Ғолиблардан бири

Жамшид Бухоро давлат университетида таҳсил олгач, иш фаолиятини вилоят агрокимё хизмат кўрсатиш бўлимида бошлади. Бир муддат тумандаги «Урганч чўл» фермер хўжалигида иш юритувчилик қилди. 2010 йилнинг декабридан буён «Қўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Жамшид Фаршид замини» фермер хўжалигига бошлиқ. Экин майдони чўл ҳудудида жойлашган бўлса-да, жамоа бўш келмаяпти. Йил сайин юқори ҳосил олинаётир. Масалан, 2011 йили 23.4 гектар пахта майдонида ҳосилдорлик 26,2 центнерни ташкил этган бўлса, шароитдан келиб чиқиб ўтган йили экинзорлар 26,5 гектарга кенгайтирилди. Ҳосилдорлик эса 40 центнерга етди. Ана шу кўрсаткичлар учун фермер «Нексия» автомашинаси билан тақдирланди. Даромад ҳам чакки бўлмади. Ғаллачилик соҳасида эса бултур ҳосилдорлик 57,5 центнерга етиб, режа 140 фоиздан ошди. Эришилаётган ютуқларда хўжалик механизаторлари Амон Баҳронов, Илҳом Сафоев, сувчилар Фарҳод Саидов ва Рустам Тиллаевларнинг хизмати катта бўлаяпти.

— Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бугун ва келажак учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Улуғбек Атоев. — Айниқса, мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, республика Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, Миллий ахборот агентлиги ва республика Фермерлар кенгашининг қўшма қарори жараённи тезлаштириб юборди.

Жамшид Раззоқов хўжалигини давр талабларига мос равишда шакллантириш учун елиб-югураётгани ўз самарасини бермоқда. У пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари 20 сотих ерда ҳавза ташкил этиб, 30 минг дона оқ амур ва дўнгпешона балиқ чавақларини парвариш қилмоқда. 150 бош қўй-қўзи ва 15 бош қорамол билан чорвачилик йўлга қўйилди. Янги турмуш қишлоғида тикувчилик цехи очиб, 5 нафар ёшни иш билан таъминлади.

Иқтидорли фермернинг ниятлари катта. Жорий йилнинг ўзида 10 нафар ёшга доимий иш ўринлари яратмоқчи. Уларнинг аксарияти коллеж битирувчилари бўлади. Боз устига, икки ҳамкасби билан 3,5 километр масофадан ариқ қаздириб, чўлга сув келтираётгани ҳам эл маъмурчилигини таъминлашга хисса бўлиб қўшилади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«shonch» мухбири

Иш билганга минг танга

Пойтахт аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Хусусан, «Тошкентнон» уюшмаси бу борада самарали фаолият кўрсатаётир. Айни пайтда уюшма таркибида қирқдан зиёд нон ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳаммаси замонавий ускуналар билан жиҳозланган. «Кўктерак» масъулияти чекланган жамияти шундай корхоналардан.

«Кўктерак» юксалмоқда

— Ишлаб чиқараётган нон маҳсулотларимиз аҳоли эҳтиёжини тўла қондирмоқда, — дейди «Кўктерак» МЧЖ раҳбари Ботир Орипов. — Корхонамизда 54 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Улар томонидан кунига 11-12 тоннага яқин нон маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Бу маҳсулотларни тезкор ташиш учун еттита ихтисослашган автотранспорт ажратилган. Цехларимизда ўрнатилган янги ускуналар маҳсулот сифатини яхшилашда қўл келмоқда.

2011 йилда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент вилоят бўлимидан олинган кредит эвазига Россиядан келтирилган «Г4РПА12М» русумли қолипли нон ишлаб чиқариш ускунаси ўрнатилди. Шундан кейин корхонада ишлаб чиқариш суръати ва маҳсулот сифати ошди. Шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратилди. Албатта, ушбу ускунанинг ўрнатилишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошкентнон» уюшмаси яқиндан ёрдам кўрсатишди.

— Ишчи-хизматчилар учун зарур шароитлар яратганмиз, — дейди Ботир Орипов. — Ҳар куни тушликка бепул иссиқ овқат ташкил этилади.

«Кўктерак» МЧЖ келгусида фаолиятини янада кенгайтиришни кўзламоқда. Кредит эвазига нон-булка ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуналар харид қилиш режалаштирилган. Бу келажакда янги иш ўринлари яратилади ва маҳсулотлар тури кўпаяди деганидир.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ғамхўрлик

Деҳқон борки, иш қизиган пайти куну тун даладан бери келмайди. Шундай паллаларда уйига бориб келишга ҳам вақтини қизғанади.

НАМУНАЛИ ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ

— Айниқса, ёз ойлари офтоб тиғида юриш малол келади кишига. Озгина соялаш учун ҳам шийпон керак. Бундай имконият бўлса, ишчи ва хизматчилар овқатланиб, дам олиб, яна ишга шўнғийди. Шуни инобатга олиб, туман ҳокимлиги билан ҳамкорликдаги келишувимизга асосан, бу йил 10 та фермер хўжалигида дала шийпони барпо этилади. Фермер хўжаликлари ишчилари учун қурилаётган намунавий шийпонлар, бошқача айтганда, деҳқон уйлари аввалгилардан фарқ қилади. Уларда дам олиш хоналари, ошхона, товуқхона, чорва моллари учун ёзги ва қишки бостирмалар барпо этилади, — дейди Қумқўрғон туман касаба уюшмаларини мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси Ўроқ Алманов.

Тумандаги С.Бойматов сув истеъмолчилари уюшмасидаги «Дўсан Сарбон», «Холмат Лапасов», «Муртазо Дониёр», «Бешқаҳрамон», Н.Мирзаев сув истеъмолчилари уюшмаларидаги «Алпомиш ўғлонлари», Парда Мирзо, Илҳомбек Раҳмон, С.Саидий, Севинч Зарнигор, «Асадбек Имкон Макс» номли фермер хўжаликларида деҳқон уйлари қурилиши бошлаб юборилди. Бундан ташқари, туман ҳокимининг қарорига биноан, қурилаётган дала шийпонлари олдидан сабзавот етиштириш учун ер ажратилди.

— Фермер хўжалигимизнинг 30 нафардан ортиқ ишчиси 80 гектарга яқин ер майдонида ғалла ва пахта етиштиради. Улар учун тушлик қилиш ва ҳордиқ чиқариш муаммо эди. Мана, ҳокимлик ва касаба уюшмаларини мувофиқлаштирувчи туман кенгаши ҳамкорлигида хайрли ишга қўл урилди. Ишчиларимиз учун қурилаётган намунавий дала шийпони олдидаги сабзавотлар етиштиришга мўлжалланган майдонга помидор, бодринг, булғор қалампири, сабзи, ловия, картошка, нўхат экдик. Атрофига эса турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари қададик, — дейди «Холмат Лапасов» фермер хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Абдулаким Холматов.

Ўз мухбиримиз



СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида яшовчи Гулжон Эшимбетова 2004 йили «Шерзод» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, нотўқима мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ва тўрт кишини иш билан таъминлаган эди.

Ўтган йиллар давомида ишлаб чиқаришни кенгайтириб, иш ўринларини кўпайтирди. Тикувчилик цехи очди. Ҳозир бу ерда буюртма асосида кўрпа-тўшак, чойшаб, махсус иш кийимлари тайёрланмоқда. 2013 йили истеъмол бозоридаги талабдан келиб чиқиб, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ҳам ишга туширди.

Суратда: (ўнгдан) корхона иш юритувчиси Аҳмаджон Отажонов ва ишчи Зокир Сафоев.

ЎзА фотомухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат

Кенг имкониятлар

Мамлакатимизда биз, ёшларни келажакда комил инсонлар бўлиб етишишимиз, орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароит мавжуд.

МЕНИНГ БИЗНЕС ҒОЯМ

Ҳозирданоқ келажагим ҳақида тўла тасаввурга эгаман. Коллежни тамомлаб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Қишлоғимизда қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятим бор.

Бу йўналиш бўйича бизнес режамни ишлаб чиқдим. Вилоятимиз коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Менинг бизнес ғоям» кўрик-танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдим.

Ушбу эътироф бошлаган ишимга меҳримни, қатъиятимни оширди. Келажакда бизнесимни йўлга қўйиб, ўзим каби ёшларни атрофимга олиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришмоқчиман.

Қулай ишбилармонлик муҳитидан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиётига арзирли улуш қўшишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Зулфизар БОТИРОВА,
Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи 3-босқич талабаси

Олимжон Эшматовнинг асли касби архитектор. У Тошкент давлат архитектура ва қурилиш олийгоҳини 2004 йилда тугаллаб, бир муддат ўз соҳасида ишлагач, тадбиркорликка қўл урди. 2005 йилда «Янги замон неъмати» масъулияти чекланган жамият ташкил этиб, дастлабки йиллари аҳолига чакана ва улгуржи савдо хизмати кўрсата бошлади. Банкдан олган кредити ҳисобига отаси фахрий педагог Тоғаймурод Эшматов бошчилигида 2009 йилнинг бошида Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги баҳаво жойдан шинамгина 600 ўринли тўйхона қуриб, уни «Шодлик» деб атади. Шу баҳона бу ерда бир неча маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди.

Эл корига яраб

2013 йилда «Агробанк» ОАТБ Китоб филиалидан кредит олиб, суткасига 2,5 тонна унни қайта ишлайдиган линия ўрнатилди. Натижада, 18 киши иш билан таъминланди. Айни пайтда корхонада 35 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Мен Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тугаллаб, ушбу корхонада иш бошладим, — дейди Гавҳар Эшонқулова. — Феруза Жўраева, Нафиса Абдуллаева, Зебо Расулова сингари тенгдошларим ҳам касб-ҳунар коллежларида ўқишни тугаллагач, сафимизга қўшилишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар корхонанинг учта махсус нон дўконлари орқали сотилмоқда. Нон ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш мақсадида қўшимча линиялар ўрнатиш режалаштирилган. Бу иш амалга ошгач, яна бир неча маҳаллий ёшлар иш билан таъминланади.

Олимжон Эшматов топганини эл билан баҳам кўрадиган саховатли инсонлардан. У 5-«Меҳрибонлик» уйи, «Гўдаклар» уйи ҳамда маҳалладаги кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилалардан доимий равишда ҳимматини аямайди. Наврўз кунларида ҳам бир нечта ўксик кўнгилларга малҳам бўлди. Яқинда Қарши шаҳридаги Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги мусиқали драма театрида ўтказилган «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этган Олимжон Эшматов «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиб топилиб, Президент совғини учун ўтказиладиган республика танловида ҳам қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Суратда: корхона иш фаолиятидан лавҳа.

Муаллиф олган сурат

2014 йил — Соғлом бола йили

Президентимизнинг «Фарзандларимиз — бизнинг ғуруримиздир. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак, улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим», деган ҳикматомуз сўзлари ҳар биримизни соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратишга даъват этади.

Мўъжизага ошно қалблар

Бағрикенглик, меҳнатсеварлик, фарзанд учун ҳамиша жон фидолик сингари фазилатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Фарзанд оила муҳитида улғаяр экан, унинг хулқ-атворида атроф-муҳит ва оилага бўлган муносабат, келажакда ўзининг оила қуриши, фарзандлар тарбиялаши ҳақидаги фикрлари ҳам уйғунлашиб боради. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек оилавий муҳит болага ўз таъсирини ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 14-бобининг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади», деб эътироф этилган.

Шунингдек, Бош қомусимизда ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялаши ҳамда вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши мажбурийлиги каби умуминсоний қадриятлар ўз аксини топганлиги ҳам бежиз эмас.

Тарихга назар ташлар эканмиз, халқимизнинг оилавий анъана ва урф-одатлари жуда қадим замонлардан бошланганлигига шоҳид бўламиз. Туркий халқларнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларидан бири — «Авесто»да оила инсон саломатлиги, фаровонлигининг ўзаги эканлиги қайд этилади. Яхшилик ва эзгуликлар маъбудаси бўлган Ахура Мазда заминнинг энг муҳтарам гўшасини шундай таърифлаган:

«Агар инсон уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига, молларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйида нозне ъматлари муҳайё бўлиб, хотини ва фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқод собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил муҳтарамдир». Асарда инсоний бурч ахлоқий йўл-йўриқларни билишдагина бўлмай, балки оилавий турмуш, аҳли аёл ва фарзандлар тўғрисида ҳам қайғуриш лозимлиги таъкидланади. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, халқимиз маънавияти ва дунёқарашида оила, бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўринга эгадир.

Ҳамма жойларда бўлгани сингари Хоразм вилоятида ҳам ҳар жиҳатдан мукаммал, маънавияти юксак, аҳил ва ўз анъаналарига содиқ оилалар жуда кўп. Хонқа туманидаги 5-маҳаллада истиқомат қилаётган касаба уюшмаси аъзоси Мансурбек Қурёзов хонадони ана шундай барча ҳавас қиладиган оилалардан. Салкам йигирма беш йилдирки, уларнинг хонадони ҳамжиҳатликда иноқ яшаши баробарида, ҳунармандчилик билан шуғулланиб, барака ҳам топаётир.

Хонадон аҳли эртак қаҳрамонлари, ҳикоялар, ривоятлардаги образлар, лавҳалар учун турли хил қўғирчоқлар тайёрлайди. Шу билан бирга, ўзбек халқ эртакларининг деярли барча қаҳрамонлари учун ихчам миллий кийимлар тикишади. Тоҳир ва Зуҳра, Зумрад ва Қиммат, гўзал маликалар, шаҳзодаларга тикилган бежирим либосларига кўзингиз тушар экан, юксак маҳорат соҳибларига таҳсинлар айтасиз. Бу қўғирчоқ ва либослар эр-хотин Мансурбек ва Гулзодаларнинг ғоят нозик дидли ва юксак иқтидор эгалари эканлигидан далолат беради.

М.Қурёзов Хонқа тумани маданият ва спорт ишлари бўлими ҳузуридаги «Жайхун» қўғирчоқ театрининг бадиий раҳбари сифатида фаолият кўрсатади. У ўзи бошқараётган аҳил жамоаси билан Франция, Бельгия, Германия каби дунёнинг 16 дан зиёд давлатларида бўлиб, миллий санъатимизни намойиш қилганлигида ҳам ўзига хос маъно бор.

Қурёзовлар оиласи Наврўз, Мустақиллик байрамларида, «Ташаббус», «Қўли гулдир ўзбек аёлин» сингари кўплаб танловлару тадбирларда фаол иштирок этади.

Айни кунларда ушбу аҳил, файзли хонадонда тайёрланаётган миллий қўғирчоқлардан республикамиздаги кўплаб мактабгача таълим муассасаларида машғулотлар жараёнида фойдаланилмоқда. Маҳсулотлар Халқ таълими вазирлигининг «Болажон» махсус дастурига асосан тайёрланади. Кези келганда, хонадон соҳиблари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гигиеник сертификатини олганлигини ҳам таъкидлашни истардик.

Мўъжизаларга ошна қалб эгалари маҳалладаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида, хайр-саховат тадбирларида ҳам фаол. Уларнинг хайрли ишларидан эл-у юрт, кўни-қўшнилари, айниқса, эртамиз эгалари бўлмиш болажонлар жуда ҳам мамнун бўлмоқда.

Иброҳим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси бош ҳуқуқшунос маслаҳатчиси, касаба уюшма қўмитаси аъзоси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши жамоаси Кенгаш раиси Дилбар Мустафоқуловага укаси

Камол МУСТАФОҚУЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

Ҳамма нарса ҳаракатга боғлиқ. Инсон қийинчиликлардан чўчимаса, шубҳасиз, олдига қўйган ниятига етади. Буни Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Лутфия Боротова эришган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мақсади улуғ, манзили ёруғ

— Ҳали ўрта мактабнинг 6-синфида ўқиб юрган кезларим эди. 8 март байрами арафасида Зулфияхоним қизларини республика телевидениеси орқали намойиш қилишди. Оиламиз билан гўзал, лобар, оқила қизларга ҳаваслангандик. Отам ўшанда: «Шу қизларнинг сендан нима фарқи бор, ғап уларнинг интилишида! Меҳнатдан қочмасанг, тиришсанг, излансанг сен ҳам албатта совриндор бўласан. Шароит яратиш — менинг гарданимда» деганди, — дея Лутфия кўзлари қувончдан порлаганча фахр билан сўзлайди. — Ўтган ўн йил мобайнида қўлимдан китоб тушмади, аъло баҳоларга ўқидим, жамоат ишларида фаол қатнашдим. Эпчил, чаққон, довюрак, соғлом бўлиш учун спорт машғулотларини канда қилмадим. Бугун эзгу тилакларимнинг ижобатини кўриб турибман...

Лутфия тарбияланаётган оилада илм-маърифат қадрланади. Хонадон соҳиби Абдусаттор Абсалаев олий маълумотли шифокор, вилоят ички ишлар ходимлари поликлиникасида ишлайди. Фарзандларини меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, хушмуомалаликка ўргатган. Аёли Зайнаб опа уй бекаси, деҳқончиликка қизиқади. Меҳнаткаш онанинг болалари ҳам ишчан, меҳнатдан бўйин товламайди, китоб ўқишдан бўш вақтларида онасига кўмаклашади. Шунинг учун томорқалари сира бўш турмайди: эртаги помидор, бодрингдан тонна-тонна ҳосил олиб бозорга чиқаришади, оралиқ, кечки зироатлардан ҳам юқори ҳосил олинади. Оиланинг даромад манбаи асосан томорқадан, йилига 10 миллион сўм фойда қилишади. Ҳовлининг бир четида ўнтагача қорамол боқилади.

Бу оилага Термиз туманидаги «Қуёшли юрт» маҳалласидагиларнинг барчаси ҳавас қилишади. Чунки 5 нафар фарзанднинг барчаси қобил. Тўнғич фарзанд Музаффар олийгоҳни тугатиб, ҳозирда «Жарқўрғоннефт» корхонасида муҳандис. Аббос ва Меҳрож Самарқанд тиббиёт институтининг талабалари, қизи Муаззам Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факултетида таҳсил олаяпти.

Катта карвон қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам унга эргашади, деганларидек, Лутфия ҳам акалари ва опасига тортган. Мактабда барча фанлардан аъло баҳоларга ўқийди. Айни пайтда у «Янгиариқ» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг агрономия бўлими талабаси. У назарий билимларни пухта ўзлаштириш билан бирга амалий машғулотларда ҳам фаол. ТерДУ биология кафедраси мудири Абдусамад Бегматов билан ҳамкорликдаги Сурхондарё шароитида ставия ва рубаудина ўсимликларини ўстириш ва кенг майдонларда парваришлаш борасидаги изланишлари ўз самарасини бера бошлади. Ушбу ўсимликлар агротехникасига оид кўплаб мақолалар ёзди. Бундан ташқари, ТерДУ иқтисод факультети ходимаси Зуҳра Худойқулова билан ҳамкорликда «Сурхондарёда балиқчиликни ривожлантиришнинг интенсив технологияси» мавзуида иқтисодий таҳлиллар ва изланишлар олиб бораяпти. Лутфия бўш вақтини сира зое ўтказмайди. Дарслар, амалий машғулотлардан сўнг спорт билан шуғулланади. У ўқиган 16-умумтаълим мактабининг спорт залида бундан олти йил муқаддам маҳоратли мураббий Ўрол Жўраев шотокан каратэ-до тўгарагини ташкил қилганди. Ушанда бошқа ўғилқизлар қатори 12 ёшли Лутфия ҳам дугоналари — Маҳфуза Холиёрова, Гўзал Ҳафизова билан бирга тўгарак машғулотларига қатнаша бошлади. Вилоят ҳамда республика мусобақаларида иштирок этди. Отаси фарзандига далда бўлди, рағбатлантирди, руҳлантирди. Натижада, қизи шотокан каратэ-до бўйича олти марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2012 йили Прага шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада қатнашиб, вазни 57 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида ғолибликни қўлга киритди.

Неча ойки, Лутфия Боротова Термиз тиббиёт коллежи спорт залида таниқли мураббий Бахтиёр Арзиевдан дзюдо кураши сирларини ўрганаяпти. Лутфиядан нега каратэ-до машқларини қўйиб, дзюдо кураши билан шуғулланаётгани ҳақида сўрадим:

— Аёнки, дзюдо кураши бошқа спорт турларига нисбатан бутун дунёда кенг оммалашган. Унга қизиққанимнинг сабаби шуки, 2016 йили бўладиган Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, Тўмарис ва Барчинойлар авлоди ҳисобланган ўзбек қизларининг абжирликда бошқа миллат вакилларидан қолишмаслигини исботлаш ниятидаман.

«Кимки кўп нарсага эришмоқчи бўлса, ўз олдига катта талаблар қўйиши лозим» деган эди донишмандлардан бири. Лутфия Боротова ҳам шундайлар сирасидан.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Савол: Ишга кираётган шахсдан қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Жавоб: Меҳнат Кодексининг 80-моддасига асосан, ишга кираётган шахсдан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат. Ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома, меҳнат дафтарчаси (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно), ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар эса меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани тақдим этади. Ҳарбий хизматга мажбур ёки чақирилувчи фуқаролар томонидан ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома, қонун ҳужжатларига мувофиқ, махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома кўрсатилади ва тегишли тартибда расмийлаштирилади. Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Савол: Аввал ишлаган йил учун фойдаланилмаган таътилни бу йилга кўчириш мумкинми?

Жавоб: Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим. Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан, албатта, фойдаланилмоғи лозим.

Савол: Ходимларга таътил бериш навбати ким томонидан тасдиқланади? Таътил беришдан олдин ходимни огоҳлантириш шартми? Таътил олишда ходимнинг хоҳиши инобатга олинадими?

Жавоб: Йиллик таътилларни бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади. Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак. Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши лозим бўлади.

- Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;
- жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Саволларга Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош юристконсулти Маъмуржон ҚИЁМОВ жавоб берди.

Касаба сайр

Халқимиз «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деб бежиз айтмаган. Иш, турмуш ташвишлари деймизу шундоқ ёнимизда рўй бераётган мўъжизалардан, ўзгаришлардан бехабар қоламиз.

Юрган — дарё

Касаба уюшмалари ташаббуси билан Тошкент сафарида бўлдик. Бугун пойтахтимиз ажиб қиёфа касб этганлигини кўрдик. Икки кунлик сафар давомида шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдик.

«Касаба сайр» шўъба корхонаси томонидан тақдим этилган саёҳат дастури бизга жуда манзур бўлди. Сафаримиз давомида Ҳазрати Имом мажмуаси, Темурийлар тарихи музейи, «Шаҳидлар хотираси» майдони, Зангиота мажмуасини зиёрат қилдик.

Қирқ нафар таълим ходимларидан иборат гуруҳимиз билан катта таассуротлар олдик. Бизга бундай имкониятни яратиб берган касаба уюшмаларидан беҳад мамнунмиз.

Норхол ТУРОНОВА,
Жомбой тумани 24-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси

НУРАФШОН ТОНГЛАРНИ ҚАРШИЛАБ

Наманган туманида яшовчи Абдусалом ота Раҳмоновнинг ҳаёт йўли ёшлар учун чинакам ибрат мактаби. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг узоқ йиллар маориф соҳасида меҳнат қилган отахон ёшларга бугунги осойишта, дориломон кунларнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш ҳақида тўлқинланиб гапиради.

— Юртбошимиз ташаббуси билан ўтганлар хотираси абадийлаштирилиб, кекса авлодга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан беҳад мамнунмиз, — дейди Абдусалом ота. — Илоё, осмонимиз мусаффо, тонгларимиз нурафшон бўлсин. Жаннатмонанд юртимизга кўз тегмасин.

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдусалом ота Раҳмонов ёшлар билан.

ЎзА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

Самарқанд бўйлаб ташкил этилган ушбу саёҳат бир умр ёдимизда қоладиган бўлди.

Ҳайрат ва фахр

45 нафар тизим фидойиларидан иборат гуруҳ дастлаб Имом ал-Бухорий мажмуасида бўлишди. Юлдузлар билан тиллашиб, жаҳон аҳлини лол қолдирган олим Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган расадхона саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди. Шоҳи Зинда, Бибихоним мажмуалари, «Регистон» ансамбли, Гўри Амир мақбарасининг маҳобати дилларда ҳайрат ва фахр туйғуларини уйғотди.

Марказий банк вилоят бошқармаси жамоаси ҳам ана шундай сафарга йўл олишди.

Учқун АҲМЕДОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Зомин туманида «Сеҳрли саргузаштлар» деб номланган тадбир ўтказилди.

СЕҲРЛИ САРГУЗАШТЛАР

Бу каби қизиқарли томошалар туманимиздаги 50-,56-умумтаълим мактабларида ҳам ташкил этилди. Эътиборли жиҳати, уларда ўқувчилар билан бирга мактабгача таълим муассасаларининг тарбиялануучилари ҳам қатнашди.

Тадбирда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларидан 250 нафарига Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши маблағидан моддий кўмак ажратилгани дилларни хушнуд этди.

Нигора РУСТАМОВА,
Зомин туманидаги 50-умумтаълим мактаби касаба уюшма ташкилоти етакчиси

Турнир

Юртимиз божхона хизмати органларининг шахсий таркиби ўртасида баскетболни оммалаштириш ҳамда ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини янада ошириш мақсадида илк бор мусобақа ташкил этилди.

Тўрга ким аниқ йўллайди?

Юртимиз баскетбол федерацияси билан ҳамкорликда ўтказилган турнирнинг сўнгги босқичида 8 та жамоа ўзаро беллашди.

Бунга қадар эса Божхона қўмитасининг Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят бошқармалари, Миллий кинология маркази, Олий ҳарбий божхона институти ва «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплексларининг жами 17 та жамоаси ўртасида жойларда саралаш ўйинлари ўтказилди.

— Мусобақа илк бор ташкил қилинаётган бўлса-да, турнирнинг ҳал қилувчи ўйинлари қизиқарли ва шиддатли тарзда кечди, — деди ДБҚ Ҳарбий сафарбарлик, фавқулодда вазиятлар ишлари ва жанговар тайёргарлик бўлими бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Баҳодир Тошев.

Финалда мезбон жамоа — Олий ҳарбий божхона институти ва андижонлик божхоначилар майдонга тушишди. 33:31 ҳисобини қайд этган меҳмонлар кубок соҳибига айланишди. Учинчи ўрин эса сурхондарёликларга насиб этди.

Ғолибларга мусобақа кубоклари, медаллар ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, «Энг яхши тўпурар», «Энг яхши марказий ўйинчи», «Энг яхши ҳимоячи» «Энг яхши ҳужумчи», «Энг аҳил жамоа» каби номинациялар ғолиблари ҳам эълон қилинди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

Китоб жавонингизга

Фаол муаллифларимиздан бўлган Адҳам Даминни муштарийлар бадиий асарлари ва турли мавзулардаги мақола, очерк, хабар ва лавҳалари орқали яхши танишади. У 1951 йили Фарғона вилоятининг Бағдод туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни битирган. 1991 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ҳозирга қадар «Журъат», «Футболчи», «Мен сизга айтсам», «Ҳаёт ва ўлим» сингари ўнга яқин китоби чоп этилган.

МУЪЖАЗГИНА КУЛГУЛАР

Унинг навбатдаги, «Mona Liza» билан олишув» тўплами ҳам китобхон учун қувноқ кайфият ва самимий табассум ҳадя этувчи ҳикоялардан иборат. Ёзувчи ҳаётда учраб турадиган қизиқ-қизиқ воқеаларни енгил кулги, киноя ҳамда ҳажв тиғи билан омухталаб, ўзига хос усулда қаламга олган. Ҳажвияларнинг қаҳрамонлари бир-бирига бутунлай тескари ҳарактердаги ёки аксинча, ўзаро ўхшаш жиҳатли инсонлар экани асардан кўзланган мақсадга соя ташламайди.

Сарлавҳа танлашда ҳам муаллифнинг анча йиллик тажрибаси қўл келади. «Мушук ва кичик илмий ходим», «Ҳеч ўз хотинингизга қайта уйланганмисиз?!», «Ошиқ Ғариб» бўлган куним», «Хаёл ва аёл» сингари топилмалар тўпламнинг жозибасини оширган.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31-декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Данғара тумани, тиббиёт бирлашмасининг 02.05.2014 йилдаги 1-сонли буюртманомасига асосан, Данғара тумани, Тошкент кўчаси, 43-уйда сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 935 NAA, «DAMAS STD» русумли (махсус) автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 5 310 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 6 июн куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 4 июн соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, Х/Р: 20208000704943063001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: (8-373) 244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1177. **Хизматлар лицензияланган.**

Реклама ва эълонлар

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21.30
Topshirildi - 21.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 2345